Биография

Карим Назаров



Карим Назаров 1933 йил 15 сентябрда Тошкент вилоятининг Калинин районидаги Қатортол қишлоғида деҳқон оиласида туғилди. 1940—47 йилларда Навоий номли 18- мактабда (бунда 7-синфни тамомлаган), 1947—50 йилларда шу қишлоқдаги 19-ўрта мактабда, 1950—55 йилларда эса Ўрта Осиё Давлат университети (ҳозирги ТошДУ)нинг филология факультетида ўқиди. 1955—57 йилларда Сурхондарё вилоятининг Узун районидаги 1-ўрта мактабда она тили ва адабиётдан дарс берди, 1956—57 ўқув йилида шу мактабда илмий мудир, 1957— 58 йилларда эса Ушинский номли 4-мактабда директор бўлиб ишлади. 1958—61 йилларда Тошкент Давлат университети аспирантурасида ўқиди; 1961 йилдан университетнинг ўзбек тилшунослиги кафедрасида ишлаган. У 1964 йилда проф. А. Ғ. Ғуломов раҳбарлигида «Ўзбек халқ шеваларида эгалик аффикслари» деган мавзуда кандидатлик диссертацияси ёқлаган. Унга профессорлик унвоии ҳам берилган.

Олимнинг ўзбек шеваларида эгалик аффиксининг қўлланиши, ўзбек тилида пунктуация каби масалаларга бағишланган 30 га яқин мақоласи матбуотда эълон қилинган.

Асарлари:

1959

Бадиий таржима қандай бўлиши керак? «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.
Эгалик аффикслариниг тарихига доир. ТошДУ асарлари (аспирантлар тўплами), 2- китоб, Тошкент.
Эгаликлар — исм формаси ҳақида. ТошДУ асарлари, 2- китоб, Тошкент.

1963

Эгалик аффикслариниг экспрессив-стилистик хусусиятлари ҳақида. ТошДУ асарлари, 210, Тошкент.
Қипчоқ лаҳжасида эгалик аффикслари. «Адабиётшунослик ва тилшунослик масалалари», тўплам, 5, Тошкент.
Қарлуқ-чигил-уйғур лаҳжасида эгалик аффикслариниг айрим формалари. «Уч. зап. Таш. ГПИИЯ», VII, Тошкент.
Қаъни шевасида эгалик аффикслари. «Ўзбек тили ва адабиёти масалалари» журнали, 5-сон, Тошкент.
Ўзбек халқ шеваларининг грамматик қурилишини ўрганиш масалаларига доир. Туркий тиллар диалектларини ўрганишга бағишланган IV регионал конференция материаллари, тўплам, Фрунзе.

1964

Бўстонлиқ район ўзбек шевалари ҳақида. ТошДУ асарлари, 260.

1965

Бўстонлиқ район ўзбек шевалари ҳақида. ТошДУ асарлари, 310, Тошкент.
Ўзбек тилида эгалик маъносининг ифодаланиш йўллари. ТошДУ асарлари, 310, Тошкент.

Copyright © 2022
All Rights Reserved.